



Ислом Нури

Бас, қачон сажда қилишгач (яъни, намозни ўқиб бўлишгач), орқаларингга бориб сизларни кўриклаб турсинлар ва хали намоз ўқимаган бошка тоифа келиб сиз билан бирга намоз ўқисинлар. Улар ҳам эҳтиёт чораларини кўриб қуролланиб олсинлар» (Нисо:102).

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам шундай дейдилар: «Бир кишини имомликка ўтишга буюриб, сўнг жамоатга келмайдиганларнинг уйларига бир неча кишилар билан бориб, устларидан ўт кўйиб юборгим келиб қолди».

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам замонларини сифатлаб айтадилар: «Нифоқи ошқор бўлган мунофиқ ёки каттик касалдан бошка бирор киши жамоатдан қолмасди. Хатто баъзи касалларни намозга икки киши қўлтиқларидан суяб олиб келишарди.

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху яна шундай дейдилар: «Қимқи тонгла қиёмат Аллохга мусулмон ҳолда рўпара бўлишни истаса, мана шу беш вақт намозни ўз вақтида, жамоат билан доим адо этиб юрсин. Чунки, бу намозлар Аллох ўз пайгамбарига кўрсатиб берган хидоят – тўғри йўлнинг асосий аломат – белгиларидандир. Агар жамоатни тарқ этган мана бу одамга ўхшаб уйингизда намоз ўқисангиз, пайгамбарингиз йўлини ташлаган бўласиз. Пайгамбарингиз йўлини тарқ этсангиз, шубҳасиз, ҳақ йўлдан тойиб, гумрохлик чоҳига йиқиласиз. Қимқи яхшилаб таҳорат олиб, сўнгра масжид томон йўл олар экан, босган ҳар қадами эвазига Аллох бир савоб ёзиб, мартабасини яна бир поғона кўтаради ва қилган гуноҳларидан бирини афв этади».

Бир кўр одам пайгамбаримиз саллоллоху алайхи ва саллам ёнларига



Ислом Нури

келиб, шундай деди: «Эй расулуллох, менинг масжидга етаклаб олиб келадиган ҳеч кимим йўқ. Намозни уйимда ўқисам майлими?». Пайгамбар ундан: «азонни эшитасизми?» – деб сўрадилар. У «ха» деб жавоб бергач: «ундай бўлса, жамоатга келинг!» дедилар. Каранг, пайгамбар саллоллоху алайҳи ва саллам умматларига ниҳоятда меҳрибон, раҳмдил бир зот бўлсаларда, ушбу кўзи ожиз одамга жамоатни тарк қилишга рухсат бермадилар. Шунинг ўзи жамоатни тарк қилиш ҳеч мумкин эмаслигига яққол далил бўлади.

Мухтарам биродар, намозни жамоат билан адо этишга каттик эътибор бермогингиз, жамоатни ҳеч тарк қилмаслигингиз зарурдир. Бу ишга фарзандлар, ака-ука, кўни-кўшни ва бошқа мусулмон биродарларни ҳам чорламогингиз лозим. Шунда Аллох ва пайгамбарининг буйруқларига бўйсунган, қайтарикларидан қайтган, нифок ахлига ўхшаб қолишдан узок бўлган бўласиз.

Аллох ҳаммамизни ўз ризосига етказувчи эзгу ишларни қилишга муваффақ қилиб, барча ёмон ишлардан ўзи сакласин.

- Имом Аҳмад 3/117, Ибн Можа 2697- ҳадис ва Ҳоким 3/57 Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилишган.
- Муслим 88- ҳадис Жобир ибн Абдуллох розияллоху анхудан ривоят қилган.
- Аҳмад 5/346, Термизий 2623 -ҳадис ва Ибн Можа 1079- ҳадис Бурайда ибн Хусайб розияллоху анхудан ривоят қилишган.
- Бу асарни Термизий 2624- ҳадис ва Ҳоким 1/7 да ривоят қилишган.



Ислом Нури

Ҳожи биродаримга мактублар. Олтинчи мактуб 6 | 6

- Бухорий, Фатх ал-Борий 2/148 ва Муслим 651- хадис ривоят килишган.